

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЭРКИНОВА НИГОРА ЭРКИНОВНА**

**ТУРЛИ КОМОРБИД ҲОЛАТЛАРДАГИ СУРУНКАЛИ ЮРАК  
ЕТИШМОВЧИЛИГИДА АЛЬБУМИНУРИЯ ҲАМДА  
ГИПЕРАЛЬДОСТЕРОНИЗМНИ ЮРАК ВА БУЙРАКЛАР  
ДИСФУНКЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Эркинова Нигора Эркиновна</b> Турли коморбид ҳолатлардаги сурункали юрак етишмовчилигида альбуминурия ҳамда гиперальдостеронизмни юрак ва буйраклар дисфункцияси ривожланишидаги аҳамияти.....	3
<b>Эркинова Нигора Эркиновна</b> Значение альбуминурии и гиперальдостеронизма в развитии сердечной и почечной дисфункции при хронической сердечной недостаточности при различных коморбидных состояниях.....	23
<b>Erkinova Nigora Erkinovna</b> Interaction of aldosterone and albuminuria with renal changes in chronic heart failure on the basis of complex therapies.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЭРКИНОВА НИГОРА ЭРКИНОВНА**

**ТУРЛИ КОМОРБИД ҲОЛАТЛАРДАГИ СУРУНКАЛИ ЮРАК  
ЕТИШМОВЧИЛИГИДА АЛЬБУМИНУРИЯ ҲАМДА  
ГИПЕРАЛЬДОСТЕРОНИЗМНИ ЮРАК ВА БУЙРАКЛАР  
ДИСФУНКЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1413 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Гадаев Абдугаффар Гадаевич  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

Нуриллаева Наргиза Мухтархановна  
тиббиёт фанлари доктори

Абдуллаев Акбар Хатамович  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «28» сентябрь соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (785 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «9» сентябрь да тарқатилди.  
(2021 йил «9» сентябрь даги 2 рақамли реестр баённомаси)



**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Л.Т. Даминова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда беморларда мавжуд бўлган ёки асосий касаллик негизида юзага келган ва ундан фарқ қиладиган хасталикларга алоҳида эътибор берилмоқда. Аҳоли ўртасида ўлимнинг етакчи сабабларидан бири юрак қон-томир (ЮКТ) касалликлари ҳисобланади ва ҳар йили жаҳонда 17 миллион киши унинг оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Улар орасида сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) асосий ўрин тутди ва аксарият ҳолларда бунга коморбидлик ҳолатларининг мавжудлиги сабаб бўлади. Ҳақиқатдан ҳам энг кўп коморбидлик СЮЕ кузатилади ва бу ўртача 92% ташкил этади. Юқори коморбидлик сурункали касалликлар оқибатидаги ўлим кўрсаткичларининг ортишига, ҳаёт сифатининг пасайишига ҳамда ижтимоий мослашувнинг бузилишига олиб келади. Шу сабабли СЮЕ мавжуд беморларда кузатиладиган коморбид касалликларни эрта ташхислаш, самарали даволаш ҳамда олдини олиш зарурлиги тиббиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида СЮЕда коморбид касалликларни ривожланиш механизмларини ўрганиш ва унда даволашни мувофиқлаштиришни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, альбуминурия, гиперальдостеронизмни оқибатида юзага келган буйраклар дисфункциясини эрта аниқлаш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш; альбуминурия билан фиброз маркерларини ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, ушбу омилларни касаллик патогенезида муҳим ўрин тутишини асослаш; патологик жараёнга самарали таъсир қилиш йўллари ва монанд даволаш усулларининг рационал асосларини яратиш; беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш мазкур муаммога оид илмий тадқиқотларнинг долзарб масалаларидан бўлиб муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт ходимлари олдида соҳани, шу жумладан қон-томир ва юрак касалликлари коморбидликда кечганда уларни эрта аниқлаш, даволашни янада мукамаллаштириш ва халқаро стандартлар талабларига мослаштириш борасида қатор вазифалар қўйилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»<sup>1</sup> каби вазифалар бўғинини, тез вашошилини тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида СЮЕда юзага келадиган камқонлик сабабларинива унда буйракдаги ўзгаришларни эрта ташхислаш, эрта асоратлар олдини олиш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Юрак қон томир касалликларига чалинган беморларнинг тўрттасидан бирида буйрак дисфункцияси аниқланади ва сурункали буйрак касаллиги (СБК) умумий популяцияда 10% атрофидаги аҳолида учраб тобора кўпайиб бормоқда [Есаян А.М.-2018] Кузатувлар СБК ёши 60дан юқори аҳолининг 36% ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг 16% учрашини тасдиқлайди [Шевелёк А.Н.-2020; Андрусев А.М. -2018].

СЮЕ аниқланган беморларда буйраклар зарарланишининг эрта белгиларидан бири микроальбуминурия ва бир кеча-кундузлик протеинурия кўрсаткичи ҳисобланиб, қон томиридаги ўзгаришларнинг (эндотелиал дисфункция, атеросклероз) дастлабки босқичларини акс эттиради ҳамда юрак қон-томир касалликлари ва ўлим даражасининг ортиши билан мутаносиб равишда ўзгаради. Қатор клиник тадқиқотларда аниқланишича сийдик билан альбумин ажралишининг кам даражада ошиши ҳам кардиоваскуляр хавфни сезиларли ўсишига сабаб бўлади. 1980 йилларда кўп сонли кузатувларда микроальбуминурияни нафақат қандли диабет, артериал гипертензия балки кардиоваскуляр патологияларнинг оқибатига ҳам салбий таъсир қилиши ўз исботини топган (Гринштейн Ю. И., 2018).

2013 йилда (Kidney & blood pressure research November 26, 2013) эълон қилинган эскпрементал тадқиқотда каламушларда буйракда интерстициал фиброз модели чақирилган. Бунда альдостерон блокадаси механизми ва буйрак зарарланишида эплененон таъсири ўрганилган. Олинган натижаларга мувофиқ эплененон интерстициал фиброз жараёнларини камайтирган, лекин назорат гуруҳи билан солиштирилганда систолик ва диастолик қон босимига сезиларли таъсир кўрсатмаган. Гистологик текширишлар эплененон қабул қилинганнинг 7 ва ундан кейинги кунлари назорат гуруҳидагилар билан солиштирилганда сўнгги гуруҳда буйракларида фиброз тўқималар ишончли юқорилигини кўрсатган. Муаллифлар томонидан ўтказилган иммун гистологик текширишлар эплененон буйракдаги яллиғланиш жараёнларини, интерстициал тўқималардаги пролиферацияни, оксидланиш стрессини пасайтиришини кўрсатган. Тадқиқотчилар олинган натижаларга асосланиб эплененон яллиғланишга қарши таъсир кўрсатиб буйрак интерстициал

фиброзини камайтиради, лекин бу препаратни гемодинамикага таъсири билан боғлиқ эмас деган хулосага келишган (Hui Chen, 2013) Р.Т.Шукуров ва Т.А.Абдуллаевларнинг маълумотларига кўра, Республикамизда аксарият ҳолларда СЮЕнинг этиологик сабаби (58,8%) ЮИК ҳисобланади ва у кўпинча (68,3%) АГ билан кўшилиб келади.

Юқорида келтирилган адабиётлардаги маълумотлар СЮЕ мавжуд беморларда коморбид ҳолатлар кузатилиши эрта буйраклар дисфункциясига олиб келиши ва бу касаллик кечиши ҳамда оқибатига салбий таъсир қилишини кўрсатади. Буйраклар функцияси йўқолишининг асосий сабаби каналчалар ҳамда коптокча аппаратининг ўзгариши ҳисобланади ва бунда альбуминурия етакчи роль ўйнайди. Шунинг учун СЮЕ да коморбид ҳолатларни ўрганиш, ўз вақтида ташхислаш, комплекс даволаш тиббиётда муҳим амалий аҳамият касб этади.

**Диссертация изланишининг иш олиб борилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ №03.2019.PhD058 “Бухоро вилояти иссиқ иқлимида организмнинг патологикгача бўлган ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида (2018-2021 йй) бажарилган

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда буйраклардаги функционал фиброз ўзгаришларнинг хусусиятлари ва унда комплекс даво самарадорлигини баҳолашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Сурункали юрак етишмовчилигида турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда альбуминурия даражасини аниқлаш;

сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда буйракларни коптокча аппарати ҳолатини цистатин С ёрдамида баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда альдостерон кўрсаткичларини аниқлаш;

сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда буйраклардаги тубулоинтерстициал фиброз жараёнларини унинг маркери TGF- $\beta_1$  ёрдамида баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда альфа ўсма некроз омили кўрсаткичларини баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда альбуминурия кўрсаткичлари билан альдостерон, цистатин-С, TGF- $\beta_1$  ва альфа ўсма некроз омили орасидаги корреляцион боғлиқлик ҳамда даволашдан олдинги ва кейинги кўрсаткичларни баҳолаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида турли сондаги коморбид касалликлар билан кечган СЮЕга чалинган махсус лаборатор – асбобий текширувлардан ўтказилган I-II-III ФС 320 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида биокимёвий таҳлиллар ўтказиш мақсадида беморлар веноз қони зардоби ва пешоби олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида умумклиник, биокимёвий – цистатин-С, иммунофермент–альдостерон, TGF- $\beta_1$ ,  $\alpha$ -ЎНО, шунингдек, асбобий текширувлар – ЭКГ, ЭХОКГ, жигар ва буйракнинг ультратовуш текшируви, ўпкани рентгенографияси ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда буйрак фиброз маркерларини аниқлаш орқали буйрак функционал ҳолати баҳоланган;

сурункали юрак етишмовчилиги турли коморбид касалликлар билан кечганда уларнинг сонига мос равишда фиброз маркери ва альфа ўсма некроз омилининг параллел ошиши ҳамдабуйрак коптокчалари фаолияти цистатин-С, тубулоинтерстициал фиброз жараёнлари TGF- $\beta_1$  ёрдамида аниқланиши исботланган;

сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда унга мос равишда альбуминурия кўрсаткичларининг ошиб бориши аниқланган;

сурункали юрак етишмовчилигининг стардарт давоси негизда эплеренон дори воситасини қўшиб даволаш альбуминурия ва фиброз жараёнларни барқарорлаштириши қайд этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда альбуминурия билан фиброз маркерлари параллел кўпайиб бориши аниқланган;

сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда унга ҳамоханг альбуминурия кўрсаткичлари ошиб бориши исботланган;

сурункали юрак етишмовчилиги турли коморбид касалликлар билан кечганда уларнинг сонига мос равишда фиброз маркери ва альфа ўсма некроз омилининг параллел ошиши тасдиқланган;

таркибида азилсартан ва эплеренон бўлган стандарт муолажалар СЮЕ коморбид касалликлар билан кечганда жараёнларни барқарорлаштириши ва сўнгги препаратни антифиброз таъсири исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СЮЕ турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда уларга ҳамоҳанг буйракларнинг функционал ва фиброз ҳолатларидаги ўзгаришлар янада кучайиб буйрак паренхимасини эрта зарарланиши, турли коморбид касалликлар сонига мос равишда фиброз маркери ва альфа ўсма некроз омилининг параллел ошиши ҳамда буйрак коптокчалари фаолияти цистатин-С, тубулоинтерстициал фиброз жараёнлари TGF- $\beta_1$  ёрдамида аниқланиши, таркибида эплеренон сақлаган комплекс стандарт муолажаларни қўллаш фиброз жараёнларига, буйраклар функционал ҳолатига ижобий таъсир қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти СЮЕ коморбид касалликлар билан кечаётган беморларда буйраклар дисфункциясини эрта аниқлашга, эплеренон қўшиб даволаш асоратларни олдини олиш ва фиброз жараёнлари ривожланишини секинлаштиришга ҳамда монанд муолажалар қўллашга асос бўлиб бу беморларни қайта шифохонага ётиш ва ўлим ҳолатларини олдини олаши, шунингдек уларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ҳамда жисмоний юкламаларга чидамлилигини яхшиланишига, умрининг узайишига олиб келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** СЮЕ турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда комплекс даволаш негизида альбуминурия ва буйрак фиброз маркерларини динамикаси ҳамда унинг амалий аҳамияти бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

СЮЕ турли коморбид ҳолатларда кечганда буйракдаги фиброз жараёнларни эрта ташхислашнинг амалий аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Сурункали юрак етишмовчилиги коморбид ҳолатда кечганда альбуминурияни юрак ва буйраклар дисфункцияси ривожланишидаги аҳамияти” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 13 июлдаги 8 н-з/228 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома СЮЕ коморбид касалликлар билан кечган беморларда стандарт даво  $\beta$ -блокаторлар, ангиотензин II рецепторларининг антагонисти алзисартан ва антифибротик дори сифатида эплеренон биргаликда олиб борилганда буйракдаги фиброз жараёнларини секинлаштириш имконини берган;

сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда фиброз жараёнлари ривожланишининг профилактикасини оптималлаштириш тамойиллари ҳамда даво-профилактик чоратадбирларнинг асосланганлиги соғлиқни сақлаш амалиёти, жумладан, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Бухоро шаҳар 8-сон поликлиникасида соғлиқни сақлаш амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 августдаги 08-09/9568 сонли маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши касаллик кечишини турғунлаштириши, беморларни шифохонада даволаниш кунларини қисқартириши ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий конференцияда, жумладан, 2 халқаро ва 3 республика илмий-амалий анжуманларда таҳлил қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Коморбид ҳолатлар тиббиётнинг долзарб муаммоси**» деб номланган биринчи бобида адабиётларни таҳлилий манзараси келтирилган, унда СЮЕда турли коморбид ҳолатларни ривожланиши ва кечишининг энг муҳим патогенетик бўғинлари, асосий текшириш ва даволаш тадбирлари, жумладан, беморларда буйракдаги ўзгаришларни эрта аниқлашда альбуминурия, яллиғланиш цитокинларини аҳамияти ҳамда буйраклар функционал ҳолатини баҳолаш бўйича замонавий қарашлар таҳлили ўтказилган. Бу бобда адабиётлар маълумоти умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот усуллари ҳамда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқот иши икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда 320 нафар СЮЕ мавжуд беморлар орасида альбуминурияни учраш сонидан келиб чиқиб ёш, касалликнинг ФС, коморбид ҳолатлар асоратга олиб келган сабаблар бўйича таҳлил ўтказилди. Иккинчи босқичда эса 120 нафар СЮЕ чалинган беморлар уч гуруҳга ажратилди. Уларнинг биринчи гуруҳини 40 та СЮЕ II-III ФС альбуминурия билан кечган ва битта коморбид касаллик аниқланган беморлар ташкил қилдилар. Кузатувдагиларни ўртача ёши  $58,3 \pm 4,2$  га тенг бўлиб 17 таси эркаклар ва 23 таси аёллар эди. Иккинчи гуруҳ ҳам 40 та СЮЕ II-III ФС альбуминурия билан кечган ва иккита коморбид касалликлар аниқланган беморлардан иборат бўлиб уларни ўртача ёши  $61,8 \pm$

4,7 га тенг бўлди ва 19 таси эркаклар ва 21 тасини аёллар ташкил қилди. Учинчи гуруҳ ҳам 40 нафар СЮЕ II-III Ф С альбуминурия аниқланган ва уч ҳамда ундан ортиқ коморбид касалликлар билан кечган беморлардан иборат эди. Уларни ўртача ёши  $65,9 \pm 5,3$  бўлиб 21 нафарини эркаклар ва 19 нафарини аёллар ташкил қилди. Барча ҳолларда СЮЕ га ЮИК, инфарктдан кейинги кардиосклероз ва гипертония касаллиги олиб келганлиги аниқланди. Айрим ҳолларда бир вақтнинг ўзида бир беморда ЮИК ва АГ СЮЕ га сабаб бўлганлиги анамнез ва объектив кўриқда қайд этилди.

Барча беморлар СЮЕ нинг стандарт давоси  $\beta$ -блокаторлар, ангиотензин II рецепторларининг антогонисти сифатида азилсартан ва антифибротик восита сифатида МКРА сўнгги авлоди эплеренон 25-50 мг қабул қилдилар. Кўрсатмалардан келиб чиқиб, алоҳида ҳолларда юрак гликозидлари, диуретиклар ва антиаритмик воситалар буюрилди. Кузатувдаги беморларнинг барчасида қондаги калий миқдори ва коптокчалар фильтрацияси  $1,73 \text{ м}^2$  тана юзасига ( $>60$  мл дақиқа) назорат қилиб борилди. Гиперкалиемия кузатилган ҳолларда эплеренонни қабул қилиш тўхтатилди.

Кузатувдаги барча беморларда даволаш бошланишидан олдин ва 3 ойдан сўнг шикоятлари ва анамнези мукамал ўрганилди, объектив кўрув ўтказилди, умумклиник – умумий қон ва пешоб тахлили ва бир кеча кундузлик протеинурия, қондаги қанд миқдори, биокимёвий – жигар трансферазалари, билирубин, мочевино, креатинин, цистатин-С, қондаги липид спектри, коагулограмма ҳамда иммунофермент–альдостерон, TGF- $\beta_1$ ,  $\alpha$ -ЎНО, шунингдек, асбобий текширувлар – ЭКГ, миокарднинг функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида ЭХОКГ, жигар ва буйракнинг ультратовуш текшируви, ўпкани рентгенографияси ўтказилди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2013) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ( $M \pm m$ ) ҳисобланилди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишонччилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишонччилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.


Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилигида альбуминуриянинг кузатилиши ва унинг айрим ўзига хос клиник ҳамда статистик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида кузатувда бўлган 320 СЮЕ чалинган беморлар орасида альбуминурияни учраш сонидан келиб чиқиб ёш, касалликнинг ФС, коморбид ҳолатлар асоратга олиб келган сабаблар бўйича таҳлил қилдик. Уларнинг 148 нафари эркаклар(46,25%) ва 172 нафари аёллар (53,75 %) эди.

Бунда 60 ёшгача бўлган беморларнинг 24,8%да альбуминурия аниқланган бўлса, ундан катта ёшдагиларни 35,1% бу ҳолат қайд этилди ( $P < 0,01$ ). Альбуминурия аниқланмаган ҳолларда микроальбуминурия синамалари ўтказилганда СЮЕ мавжуд беморлар орасида сийдикда оксил аниқланганлар сони сезиларли юқори бўлишидан далолат беради. Бу қатор адабиётлардаги маълумотларга мос келади. Шу билан бир қаторда ёш ошиб

борган сари СЮЕ чалинган беморлар орасида буйраклар дисфункцияси кучайиб боришини тасдиқлайди.

Кузатувдаги 320 беморларда СЮЕ ФС келиб чикиб альбуминурия учраганлар сони ўрганилди. Бунда I-ФС беморлар ёши  $54,8 \pm 9,3$ , II-ФС  $54,4 \pm 10,3$  ва III-ФС  $64,5 \pm 9,9$  тенг эди.

Таҳлиллар I-ФС 15,1% (29) ҳолларда, II-ФС 35,6% (68), III-ФС 49,3% (94) беморларда альбуминурия мавжудлигини тасдиқлади (1-расм).



**1-расм. Сурункали юрак етишмовчилигининг турли функционал синфларида альбуминурия кўрсаткичлари**

Таҳлиллар альбуминурия аниқланган беморлар сони СЮЕ чалинганларнинг ёши, коморбид ҳолатлар мавжудлиги, касаллик ФС оғирлик даражасига мос равишда ўсиб боришини кўрсатди.

Таdqиқотнинг иккинчи босқичида олдимизга қўйилган мақсадга мувофиқ 120 нафар беморлар уч гуруҳга ажратилиб кузатилди. Маълумки сўнгги йилларда касаллик оғирлик даражасини аниқлашда клиник, биокимёвий текширишлар билан бир қаторда СЮЕ мавжуд беморларнинг умумий ҳолатини баҳолашда КХБШ Миннесот сўровномаси ва олти дақиқалик юриш синамаларидан фойдаландик. Улар ёрдамида турли гуруҳдаги беморларни бир-бирига солиштирилиб, даволаш самарадорлиги баҳоланди. Қуйидаги 1-жадвалда СЮЕ турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда беморлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари ва уларни жисмоний юкламага чидамлилиги ҳамда ҳаёт сифати ва клиник ҳолати кўрсаткичлари келтирилган.

**Сурункали юрак етишмовчилиги турли коморбид сондаги касалликлар билан кечганда беморлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари ва жисмоний юкламага чидамлилиги ҳамда ҳаёт сифати ва клиник ҳолатлари кўрсаткичлари**

№	Гуруҳлар Кўрсаткичлар	СЮЕ II-III ФС альбуминурия билан кечган ва битта коморбид касаллик аниқланган беморлар n=40	СЮЕ II-III ФС альбуминурия билан кечган ва иккита коморбид касалликлар аниқланган беморлар n=40	СЮЕ II-III ФС альбуминурия билан кечган ва учта ва ундан ортиқ коморбид касалликлар аниқланган беморлар n=40
1	Бир кеча-кундузлик альбуминурия (мг/л)	335,6 ± 15,3	499,9 ± 18,9	614,4 ± 23,3
2	Цистатин-С (мг/л)	1,36 ± 0,05	1,53 ± 0,03	1,65 ± 0,04
3	Альдостерон (пг/мл)	563,1 ± 28,3	699,2 ± 31,2	708,5 ± 45,7
4	β <sub>1</sub> -трансформацияловчи ўсиш омили (пг/мл)	2390,8 ± 98,3	2466,2 ± 150,4	2735,8 ± 190,2
5	Олти дақиқали юриш синамаси (метр)	391,1 ± 11,0	335,5 ± 8,0	259,1 ± 9,8
6	Ҳаёт сифати (балл)	48,9 ± 2,1	55,6 ± 1,9	58,3 ± 2,0
7	Клиник ҳолат (балл)	5,4 ± 0,19	6,1 ± 0,4	6,88 ± 0,17

Олдимизга қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб кузатувимиздаги беморларда альбуминурия кўрсаткичларини ҳам ўргандик. Сўнгги йилларда альбуминурия нафақат буйрак дисфункциясини балки юрак қон-томир ҳолатига ҳам салбий таъсир этиши қатор кузатувларда кўрсатилган. Тадқиқотга олинган биринчи яъни СЮЕ битта коморбид ҳолат билан кечган гуруҳда альбуминурия кўрсаткичи 335,6±53,6 мг/л тенг бўлди. Иккинчи ва учинчи гуруҳларда, яъни СЮЕ иккита ҳамда учта ва ундан кўп коморбидликда кузатилганда альбуминурия даражаси мос равишда 499,9±20,0 ва 614,4±25,7 мг/л кўрсаткичларда эди. Барча гуруҳдаги альбуминурия кўрсаткичлари ўзаро бир-биридан юқори ишончли фарқ қилди (P<0,001).

СЮЕ ҳам яллиғланиш цитокинларининг қонда меъёрдан ошиши, бемор умумий аҳволини оғирлашишига сабаб бўлиши келтирилди. Цитокинлар орасида α-ЎНО алоҳида аҳамиятга эга. Лекин унинг кўрсаткичлари СЮЕ турли даражадаги коморбид ҳолатларда кечганда ўрганилмаган. Кузатувимиздаги СЮЕ битта коморбидликда кечганда 20,4±0,26 пг/мл, иккита коморбидликда кечганда 21,3±0,34 пг/мл ва уч ҳамда ундан ортиқ коморбидликда кечганда 22,6±0,55 пг/мл тенг бўлди. Кўрсаткичлар гуруҳлараро солиштирилганда биринчи ва иккинчи гуруҳ ишончли (P<0,05), биринчи ва учинчи гуруҳ юқори ишончли (P<0,001), иккинчи ва учинчи гуруҳ (P<0,05) ишончли бир-биридан фарқ қилди. Ушбу цитокин

кўрсаткичлари ҳам коморбидлик даражаси билан узвий боғлиқликда эканлигини кўрсатди.

Организмдаги ва энг аввало юрак ҳамда буйракдаги фиброз жараёнларини ишончли фиброз маркери ҳисобланган альдостерон кўрсаткичларини ҳам биз кузатувимиздаги беморлар гуруҳларида солиштирма ўргандик. Бунда альдостеронни қондаги кўрсаткичлари учала гуруҳда мос равишда  $563,1 \pm 14,3$ ,  $699,2 \pm 98,8$  ва  $708,5 \pm 12,6$  пг/мл тенг бўлди. Альдостерон кўрсаткичи гуруҳлараро солиштирилганда биринчи ва иккинчи ҳамда иккинчи ва учинчи гуруҳлардаги кўрсаткичлар бир-биридан ишончли фарқ ( $P < 0,05$ ) қилмади. Биринчи ва учинчи гуруҳлардаги фарқ ишончли ( $P < 0,001$ ) бўлди. Бу СЮЕ иккита коморбид ҳолатлар билан кечганда альдостерон кўрсаткичлари оралиқ ҳолатда бўлишини, айти пайтда коморбидлик фиброз ўзгаришлар билан яққол намоён бўлишини тасдиқлайди.

Инсон организмидаги, хусусан буйрак интерстициал тўқималаридаги фиброз жараёнларининг ишончли маркерларидан бири TGF- $\beta_1$  ҳисобланади. Шунинг учун СЮЕ турли коморбид ҳолатларда кечганда унинг қондаги кўрсаткичларини солиштирма ўргандик. Бунда TGF- $\beta_1$  кўрсаткичлари СЮЕ битта, иккита ва уч ҳамда ундан ортиқ коморбид ҳолатларда кечганда мос равишда  $2390,8 \pm 108,6$  пг/мл,  $2466,2 \pm 123,4$  пг/мл ва  $2735,8 \pm 164,2$  пг/мл га тенг бўлди ва барча ҳолатларда бир-биридан ишончли фарқ қилди. Олинган натижалар коморбид ҳолатлар билан параллел равишда буйракдаги тубулоинтерстициал жараёнлар кучайиб боришини тасдиқлайди.

Маълумки сўнгги йилларда буйрак функционал ҳолатини баҳолашда цистатин С дан фойдаланиш тавсия этилган. Унинг ёрдамида нафақат коптокчалар фильтрацияси кўрсаткичлари балки буйрак проксимал каналчалари ҳолати ҳам баҳоланади. Унинг қонда юқорилиги буйракдаги патологик жараёнлар кечаётганлигидан далолат беради. Тадқиқотимиздаги гуруҳлар кўрсаткичлари мос равишда  $1,36 \pm 0,05$  пг/мл,  $1,53 \pm 0,03$  пг/мл ва  $1,65 \pm 0,04$  пг/мл тенг бўлди ( $P < 0,05$ ).

Биз битта, иккита ва уч ҳамда ундан ортиқ коморбид касалликлар мавжуд гуруҳларда 6 ДЮС кўрсаткичларини ўргандик. Ушбу синама беморларни жисмоний юкламага чидамлилиқ даражасини аниқлашда оддий ва бир вақтнинг ўзида объектив усуллардан бири ҳисобланади. Кузатувимиздаги беморларда СЮЕ битта коморбид ҳолатлар билан кечганда кўрсаткич  $391,1 \pm 11,0$  метрга, иккита коморбид ҳолат билан кечганда  $335,5 \pm 8,0$  метрга ва уч ҳамда ундан ортиқ коморбид ҳолатда кечганда  $276,7 \pm 9,84$  метрга тенг бўлди. Гуруҳлар ўзаро бир-биридан ишончли ( $P < 0,001$ ) фарқ қилди.

Тадқиқотга жалб этилган гуруҳларнинг КХБШ ёрдамида баҳоланганда куйидаги натижалар олинди. СЮЕ битта, иккита ва уч ҳамда ундан ортиқ коморбид ҳолатларда кечганда кўрсаткичлар мос равишда  $5,4 \pm 0,19$ ,  $6,12 \pm 0,14$  ва  $6,9 \pm 0,17$  балларга тенг бўлди. Барча гуруҳлар бир-биридан ишончли фарқ қилди. Бунда биринчи ва иккинчи гуруҳлар орасидаги фарқ  $P < 0,01$ га,




биринчи ва учинчи ҳамда иккинчи ва учинчи гуруҳлар орасидаги фарқ  $P < 0,001$ га тенг бўлди.

Беморларнинг кундалик турмуш юмушлари ва иш фаолиятидаги қийинчиликлар ҳамда уларни руҳий неврологик ҳолатини баҳолашни қамраб олган Миннесот сўровномаси ёрдамида қуйидаги баллар аниқланди. Биринчи гуруҳда  $48,9 \pm 1,5$ , иккинчи гуруҳда  $55,7 \pm 1,9$ , учинчи гуруҳда  $58,3 \pm 2,0$  тенг бўлди. Бунда биринчи ва иккинчи гуруҳдаги фарқ  $P < 0,01$ , биринчи ва учинчи гуруҳдаги фарқ  $P < 0,001$ , иккинчи ва учинчи гуруҳлардаги фарқ  $P < 0,05$ га тенг бўлди.

Беморларда ўтказилган солиштирма таҳлил уларни жисмоний юкламаларга бўлган чидамлилиги, клиник ҳолати ва Миннесот сўровномаси ёрдамида ўтказилган синамалар коморбид ҳолатлар учраш сони кўпайишига мос равишда ишончли ёмонлашиб боришини кўрсатди. Шунингдек, барча гуруҳдаги кўрсаткичлар бир-биридан ишончли фарқ қилди. Ушбу таҳлиллар коморбид ҳолатлар беморларнинг жисмоний юкламаларга чидамлилигини объектив ҳамда руҳий ҳолатига ишончли салбий таъсир қилишини кўрсатди.

Сурункали юрак етишмовчилиги турли коморбид ҳолатларда кечганда альбуминурия билан фиброз маркерлари ҳамда беморлар ҳолатини ўзаро боғлиқлиги ўрганилганда СЮЕ турли коморбид ҳолатларда альбуминурия билан альдостеронни ўзаро боғлиқлигини ўрганиш маълум даражада амалий аҳамият касб этади (2-расм).




**2-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда альбуминурия билан альдостерон орасидаги корреляцион боғлиқлик**

СЮЕ битта, иккита ва учта ҳамда ундан ортиқ коморбид касалликлар билан кечганда чизмада келтирилганидек альбуминурия билан альдостерон ўртасида иккинчи ва учинчи гуруҳ беморларда ишончли корреляцион боғлиқлик аниқланди ( $r = 0,2$ ;  $P < 0,05$  ва  $r = 0,24$ ;  $P < 0,05$ ). Демак СЮЕ

коморбид ҳолатларда кечганда бемор организмида ва энг аввало юрак ҳамда буйрак орқали намоён этади ва фиброз жараёнлари ривожланиши альбуминурия билан параллел кечади. Сўнгги маълумотларга кўра гиперальдостеронемия ўз таъсирини TGF- $\beta_1$  фиброз жараёнларни тезлаштиради ва бу ўз навбатида альбуминурия билан намоён бўлади.


Маълумки, сўнгги йилларда буйрақлар функционал ҳолати ва юрак қон-томир хавфини баҳолашда цистатин-С дан кенг фойдаланилади. Цистеин протеаз ингибитори бўлган ушбу оксил уларнинг фаоллигини блоклайди, натижада хужайра ташқарисидаги матриксни деградацияга олиб келади. Ушбу оксил буйрақлар фаолиятини баҳолашда креатининга нисбатан, айниқса унинг яширин давридаўта сезгир маркер эканлиги исботланган. Шунингдек, қатор тадқиқотларда буйрақ фаолияти меъёрида ёки бироз бузилган оғир СЮЕ мавжуд беморларда цистатин-С кардиал ўлимнинг кучли ва мустақил предиктори эканлиги кўрсатилган. Ушбу нуқтаи назардан унинг альбуминурия билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш амалий аҳамиятга эга. Биз кузатувимиздаги СЮЕ турли коморбид касалликлар билан кечган беморларда улар орасидаги корреляцион боғлиқликни ўргандик (3-расм). Унда СЮЕ битта коморбид касаллик билан кечганда альбуминурия билан цистатин-С орасидаги боғлиқлик  $r=0,03$  га ( $P>0,05$ ), иккита коморбид касаллик аниқланганда  $r=0,64$  га ( $P<0,001$ ) ва учта ҳамда ундан ортик коморбид касалликлар аниқланганда  $r = 0,178$  га ( $P<0,05$ ) тенг бўлди.



**3-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда альбуминурия билан цистатин-С орасидаги корреляцион боғлиқлик.**

Бу рақамлар коморбид ҳолатларнинг кўпайиб бориши буйрақлар функционал ҳолатига ўта салбий таъсир кўрсатиши ва альбуминурия билан қондаги цистатин-С нинг ошиши билан ҳамоҳанг эканлигини кўрсатади.

TGF- $\beta_1$  классик цитокинлар оиласига мансуб бўлиб пролифератив занжирда нафақат юрак ва томирлар, балки нефросклероз ривожланишида ҳам етакчи омил ҳисобланади. СЮЕ мавжуд беморлар қонида унинг миқдорининг ошиши фибропластик ўзгаришлар ўзаро боғлиқлигини акс эттиради. Нефроннинг проксимал сегментларида ишлаб чиқариладиган уремик токсинлар қонда TGF- $\beta_1$  концентрациясини оширади. У эса ўз навбатида альдостеронни фиброз чақирувчи фаолиятини кучайтириб буйрак функцияси йўқолишининг бош сабабчиси ҳисобланган тубулоинтерстициал фиброз жараёнини тезлаштиради. Ушбу нуқтаи назардан альбуминурия билан ушбу цитокин орасидаги боғлиқликни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.



#### 4-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги турли сондаги коморбид касалликлар билан кечганда альбуминурия билан TGF- $\beta_1$ орасидаги корреляцион боғлиқлик.

Бунда СЮЕ битта коморбид касалликлар билан кечганда альбуминурия билан TGF- $\beta_1$  орасида  $r = 0,12$  ( $P > 0,05$ ), иккита ва учта ҳамда ундан ортик коморбид касалликлар билан кечганда  $r = 0,65$  ( $P < 0,001$ ) ва  $r = 0,34$  ( $P < 0,05$ ) корреляцион боғлиқлик аниқланди. Бу альбуминурия нафақат буйрак функционал ҳолати балки ундаги тубулоинтерстициал фиброз жараёнларини ҳам кўрсатувчи маркер эканлигини тасдиқлайди (4-расм). Бинобарин, қонда профибротик TGF- $\beta_1$  ни кўпайиши альбуминурияни кучайтиради, сўнгги ҳолат эса фиброз жараёнлари ривожланишида етакчи ўрин тутди.

Ушбу параграфда ўтказилган таҳлил гипотетик нуқтаи назардан куйидагича хулоса чиқариш мумкин. СЮЕ ривожланиши РААТ фаоллашишига сабаб бўлади. Нафақат буйрак усти беши, балки қатор бошқа аъзоларда, шу жумладан, юрак, буйрак, қон-томирларда ҳам альдостерон ишлаб чиқарилиши жадаллашади. Бу ўз навбатида юрак ва буйракда фиброз жараёнлари ривожланишига олиб келади. Адабиётлар шарҳида келтирганимиздек,

альдостерон ўз фибротик таъсирини TGF- $\beta_1$  орқали намоён қилади. Буйракда альдостерон ва TGF- $\beta_1$  таъсирида тубулоинтерстициал жараёнларни ривожланиши альбуминурияни юзага келтиради. Альбуминурия ўз навбатида қайта таъсир кўрсатиб профибротик цитокин ишлаб чиқарилишини кўпайтиради ва буйракда фиброз жараёнлари жадаллашади. Оқибатда сўнгги аъзода профибротик патологик ҳалқа юзага келади. Бинобарин шундай экан, СЮЕ нинг эрта даврларида МКРА ёрдамида гиперальдостеронизмни қамал қилиш бемор организмида, шу жумладан, буйрақларда фиброз жараёнлари ривожланишига тўхтатувчи таъсир кўрсатади.

